

**ОЛДИ СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 48376**

Бухоро ш.  
(контракт тузилган жой)

«18» март 2022 й  
(контракт тузилган сана)

Бундан бунён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Бухоро вилоят ўсимликлар карантини ва химояси бошкармаси номидан илзом асосида фаолият олиб борувчи бошлиғи О.С.Мухторов бир томондан ва бундан бунён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “Тешаой Абдураззок” ХК номидан илзом асосида фаолият олиб борувчи Н.Х.Рахмонов бошка томондан, ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида тузиллар.

**1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати
1.	Стол островной из пищевого никелевий нержавеющей металла 2300x1100x850	дона	4	6689500	26758000
2.	стеллаж из пищевого никелевий нержавеющей металла 2000x1200x500	дона	4	5390500	21562000
3.	е Стул лабораторный выдвижная из металла, краска порошковый, обивка из эко кожи 480x400x400	дона	10	838750	8387500
4.	Кресло лабораторный выдвижная из металла, краска порошковый обивка из эко кожи (950*550*550)	дона	10	1318750	13187500
	<b>ЖАМИ</b>	<b>X</b>	<b>28</b>	<b>X</b>	<b>69895000</b>

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 69895000 (олтмиш тўққиз миллион саккиз юз тўқсон бешми) сўми ташкил қилади.

Шартнома суммаси ҚҚСсиз тузилган (корхона ҚҚС тўловчиси эмас.).

**2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ**

- 2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни газначилик бўлинимасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30% микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериш шарт.
- 2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиб берувчи тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошка талабларга мувофиқлигини текшириш шарт.
- 2.5. Агар мазкур контракт билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.
- 2.8. Мазкур контрактга кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

**3. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошка ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартараф этиш;
- етказиб берувчи билан мазкур контракт шартларини бажармаганиги ёки тегишли даражада бажармаганиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

### 3.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактта мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

### 3.3 Етказиб берувчи қўнидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун яқиний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонучилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш.

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

## 2022 йил «18» мартдаги «48376» -сонли шартноманинг 1-варианти

### 3.4.1 Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактта мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва шартлардан ва ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонучилигидан четга чиқишга йук қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 5- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонучилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Ҳомонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

## 4. ҲОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

### 4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;
- савдолар солиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар солиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- ҳомонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажарини тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни таслаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берилганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этиш учун солиб олувчи етказиб берувчида таслаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

Товарлар таслаб олинмаган (олинган асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиршидан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қанолатларини тақдим этган ҳолда, таслаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўлаанишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцентини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганилик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганилик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганилик, чек бермаганилик, аккредитивини тақдим этмаганилик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганилик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кешиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, агар кешиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

### 4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда қатнашини учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузиллишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонуни ҳужжатларида ёки хўжалик шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориши, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи

(буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 2022 йил «18» мартдаги «48376» -сонли шартноманинг 2-варағи

### 5. ИШОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қароридан кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади.

### 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт таъинчилик бўлимида мажбурий рўйхатга олинган қунидан бошлаб қуни қиради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомда бошқа томонга ёзма ариза тоширилган қунидан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугатиш томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

“Тешаой Абдураззок” ХК

Бухоро вилоят ўсимликлар қарантини ва

ҳимояси бошқармаси

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

(буюртмачи номи)

Манзил: Бухоро ш. Ибн Сино кўчаси 16-уй.  
Тел./факс 65-224-11-63.  
(Х/в ёки ш/х) 20208000604701074001

Банк номи: Бухоро ш. ASIA ALLIANCE BANK" АТБ  
БУХОРО ФИЛИАЛИ  
МФО 01137 СТИР 300736000 ИФУТ 15271



Ихтилоф.

(Даво эгани) (Ф.И.О.)

(ИМЗО)

Хуқуқшунос  
Лицензия (диплом) № берилган санаги:

« 21 » январ 2020 й

Хуқуқшунос  
Лицензия (диплом) № берилган санаги:

« 21 » январ 2020 й

М. М. Вахитов.  
ЮК № 006156

М. М. Вахитов  
ЮК № 006156

Манзил: Бухоро ш. Намози ох кўчаси 105-уй.  
Тел./факс 65-224-26-72.  
ш/х 401021860064017042103061001.

Ташкилотнинг СТИРи 201514184

ИФУТ 22300

Ғазначилик бўлиминининг номи: Манаф  
вазирлиги ғазначилиги

ЯГХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шаҳар Бон бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ХККМ)

МФО: 00011 Ғазначилик бўлиминининг  
СТИРи: 001122919

Буюртмачи раҳбари: О.С.Мухторов.

(Даво эгани) (Ф.И.О.)



(ИМЗО)

2022 йил « 18 » мартдаги «48376» -сонли шартноманинг 3-вараги